ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 15 (9.665) 2002 йил 4 февраль, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

ҚУРИЛИШ

Янги санъат маскани

Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар зали ёнида бунёд этилаётган Камолиддин Беҳзод музейи ҳамда боғнинг қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Хусусан, моҳир уста ва бунёдкорлар шу кунга қадар 330 миллион сўмлик турли юмушларни бажариб, бу қутлуғ даргоҳни янада мустаҳкам ва мафтункор бўлиши учун ўзларининг бор маҳоратларини ишга солишаётир.

Биз аввалги хабарларимизда унинг ўзига хос қурилиши ва бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталган бўлсак энди эса келажакда музейга қандай экспонатлар қўйилиши ва у ўз ичига қайси тарихий лавҳаларни олиши тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз. Бу тўғрида музей директори, таниқли мусаввир, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқов қуйидагиларни гапириб берди:

— Режаларимизга асосан музейдаги кўргазмалар сатхи 400 квадрат метрни ташкил этиб, унинг биринчи қаватидан бугунги замонавий миниатюра мактабининг вакиллари томонидан яратилган асарлар ўрин олади. Иккинчи қаватида эса Камолиддин Беҳзод ижодий меросига оид асарларнинг факсимилия нусхалари жой олган. Шунингдек ўша даврларда миниатюра ва рассомчиликда ишлатилган тош қоғоз сиёҳдонлар ва бошқа шу каби асбоб-ускуналар ўрин олиши кутилмоқда. Бу қаватларнинг охирги бўлимига эса Камолиддин Беҳзоднинг жаҳон миниатюра санъатида тутган ўрни тўғрисидаги маълумотлар қўйилади.

Шу билан бирга истеъдодли қалам соҳиблари бўлган Чингиз Аҳмаров, Тельман Муҳамедов ва Искандар Икромовларнинг ижодий меросига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Яна алоҳида таъкидламоқчиманки яқинда республикамиздаги йигирмага яқин энг кўзга кўринган миниатюрачилар ўз асарларини музейга ҳадя этишди. Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Хуршид Назаров, Аброр Турсунов, Анвар Исроиловлар шу-



лар жумласидандир. Айни пайтда биз Лондон ва Санкт-Петербург шаҳарлари кутубхонасида сақланаётган Камолиддин Беҳзоднинг Навоийнинг «Хамса» асарига ишланган миниатюраларининг факсимилия нусхаларини олиш учун музокаралар олиб бормоқдамиз. Шу билан бирга шаҳримизнинг турли маданият ва ўқув юртларида музейнинг илк коллекцияларидан иборат кўргазмалар намойишини ўтказишни давом эттириб келаяпмиз.

Очил ҲАЗРАТОВ



СУРАТЛАРДА: бир гуруҳ мутахассислар (чапдан ўнгга) хусусий фирма директори Ҳаким Абдураҳмонов, безаклар бўйича мутахассис Ойдин Мустафо, боғ-музейнинг директори Ортиқали Қозоқов, металл конструкциялар фирмаси директори Камолхон Иминовлар музейнинг қурилишини кўздан кечиришмоқда; музейнинг умумий кўриниши; музейга қўйиладиган миниатюра асарларидан намуналар.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

Марказий сайлов комиссиясининг 2002 йил 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисидаги АХБОРОТИ

Марказий сайлов комиссияси 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми якунларини кўриб чиқди. Умумхалқ референдуми кенг демократик асосда, очиқ ва ошкора, кенг жамоатчилик вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари кузатувчилари иштирокида ўтганлиги қайд этилди. Референдум қатнашчиларига ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун барча имкониятлар яратиб берилди. Референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13.266.602 нафар фуқароларнинг 12.113.070 нафари ёки 91.58 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисидаги Баённи тасдиқлади. Ушбу Баёнга кўра «Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?» деган биринчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафари ёки 93,65 фоизи ёқлаб, 768828 нафари ёки 6,35 фоизи қарши овоз берган.

«Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?» деган иккинчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.117.841 нафари ёки 91,78 фози ёқлаб, 995229 нафари ёки 8,22 фоизи қарши овоз берган.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг референдуми бўлиб ўтгани ва умумхалқ овозига қўйилган масалалар фуқаролар томонидан маъқулланган ҳақида қарор қабул қилди.

Самарадорлик — муҳим омил

Иқтисодиётнинг муҳим ва устувор йўналишларидан бири ҳисобланмиш — кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ва унинг жойлардаги ҳудудий комиссиялари фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссиянинг изчил саъй-ҳаракатлари натижасида 2001 йилда назорат органлари томонидан хўжалик субъектларида ўтказилган текширувлар 2000 йилга нисбатан 29,6 фоизга камайган, шу жумладан режага мувофиқ белгиланган текширувларнинг 67,7 фоизи мажмуавий тарзда ташкил қилинган.

Бу рақамлар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича комиссиясининг навбатдаги йиғилишида қайд этиб ўтилди.

Ҳудудий комиссия раиси, Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов олиб борган мазкур йиғилишда шаҳар комиссиясининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича 2001 йилда амалга оширган ишлари муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар назорат органлари томонидан ҳисобот йилида хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти текшируви Республика кенгаши томонидан тасдиқланган режа асосида бажарилиши бўйича ҳудудий комиссия раиси ўринбосари, Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Панаев ахборот берди.

Юқорида келтирилган рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширувларнинг 66,6 фоизида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган ва хўжалик субъектлари томонидан йўл қўйилган қоида ва қонунбузарликлар натижасида 2001 йилда давлат бюджетига қўшимча 18 миллиард сўмдан кўп маблағ ундирилган. Биргина солиқ идоралари томонидан олиб борилган текширувларнинг 85,5 фоизида солиққа тортиладиган фойданинг яширилгани ва давлат бюджетига кам маблағ ўтказишга оид қоидабузарликлар аниқланиб, молиявий-иқтисодий қоидабузарликлардан давлат бюджетига 14 миллиард сўмдан кўп қўшимча маблағ туширилган.

Ҳудудий комиссия йиғилишида ижобий кўрсаткичлар билан бир қаторда, шунингдек, назорат органлари ҳамда туман ҳудудий комиссиялари фаолиятидаги камчиликлар тўғрисида ҳам сўз борди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар фақат Республика кенгаши ва ҳудудий комиссиялар томонидан тасдиқланган режага биноан амалга оширилиши белгиланган. 2001 йилда ўтказилган текширувларнинг 8,1 фоизи режадан ташқари бўлиб, улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўзғатилган жиноий ишлар бўйича қабул қилинган қарорлар ҳамда Республика кенгаши ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда ташкил қилинган. Бу асосан хўжалик субъектларида назорат-касса аппаратларидан тўғри фойдаланиш, маҳсулотлар сифати давлат стандартларига жавоб бериши бўйича назорат тариқасида уюштирилган қисқа муддатли текширувлар, яъни меъёрий талабларга жавобан ўтказилган текширувлар ҳисобланади. Аммо ҳисобот даврида айрим шаҳар назорат органлари хо-димлари қонун ва давлат қарорлари талабига амал қилмаган ҳолда текширувлар ўтказиб, корхоналарни ноқонуний жаримага тортгани, уларнинг фаолияти бирмунча муддатга тўхтатилгани ҳолатлари ҳам аниқланган. Комиссия йиғилишида назорат органларининг 20 нафар ходимига нисбатан маъмурий ва интизомий чоралар қўлланилгани, бинобарин, назоратни амалга оширувчи идоралар фаолияти устидан назоратни кескин кучайтириш ишлари такомиллаштирилиб борилишига қарамасдан, улар томонидан бундай қонунбузарликларга йўл қўйиш ҳолатлари ҳануз мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Хусусан, шаҳар Адлия бошқармаси томонидан ўтказилган мониторинг натижасида Тошкент шаҳар Ёнғин хавфсизлиги назорати бошқармаси, санитария-эпидемиология назорати маркази тизимида қонунбузарликлар аниқланган.

Комиссия йиғилишида қисқа вақт ичида камчиликлар бартараф этилиши, меъёр ва талаблар бузилишига йўл қўйган мансабдор ва масъул шахсларга нисбатан жазо чоралари қўлланилиши, назорат органларининг туманлардаги тузилмаларига нисбатан талабчанликни ошириш, текширув билан боғлиқ ҳужжатларни мукаммал ўрганишни ташкил қилиш тавсия этилди.

Маълумки, Республика Кенгашининг 2001 йил якунларига бағишланган йиғилишида «Ўздонинспекция»нинг фаолияти юзасидан алоҳида муҳокама ўтказилганди. Жумладан, инспекциянинг Тошкент шаҳри бўйича тузилмаси ҳам танқидий тарзда таҳлил қилинганди. Хусусан, «Ўздонинспекция»нинг шаҳар ҳудудий маскани ўз фаолиятида ҳар сафар бир номдаги хўжалик субъектлари устидан текширув ўтказишини режага киритаётгани, натижада текширувлар самарасиз, ижобий томонга силжишлар сезиларли бўлмаётгани, бу эса ўз навбатида нон маҳсулотлари корхоналарида қонунбузарликлар давомийлигига, истеъмолчилар томонидан ҳаққоний норозиликлар кўпайишига сабаб бўлаётгани уқтириб ўтилганди.

Тошкент шаҳри ҳудудий комиссиясининг йиғилишида Республика Кенгашининг бу борадаги қарори юзасидан тегишли хулоса чиқариб, текширувларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан доимий ва қатъий назорат ўрнатиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда назорат органлари томонидан олиб борилаётган текширувларни мувофиқлаштиришга оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ҳамда Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссиянинг 2002 йилда амалга ошириладиган тадбирлари режаси тасдиқланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати томонидан тайёрланди.

ТУҲФА

Мукаммал асарлар тўплами

Улуғ шоир Алишер Навоий мукаммал асарлар тўплами босмага тайёрланиб, пешма-пеш чоп этилмоқда. Йигирма жилддан иборат бу нуфузли нашрни чиқариш ишлари охирлашиб қолди.

Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан ушбу нашрнинг 17-жилди босилган эди. Унда «Насойим ул-муҳаббат» асари биринчи марта тўлиқ чоп этилди.

Бу йил кўп жилдликнинг навбатдаги 18 ва 19-китоблари китобхонлар қўлига бориб тегади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти навоийшунос олимлари нуфузли нашрнинг қолган сўнгги жилди қўлёзмаси устида жиддий иш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти бу хайрли ишни ниҳоясига етказиш учун шай бўлиб турибди.

(Ўз мухбиримиз)

Мамлакатимизда

● Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлисида 2001 йилдаги иш якунлари кўриб чиқилди ва иқтисодиётнинг ушбу муҳим соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

● Республика фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раёсатининг йиғилишида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан қабул қилинган «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурини бажариш юзасидан тадбирлар режаси муҳокама этилди.

● Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Касьяненко оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди. Анжуман Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги яқин муносабатларга, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликнинг бугунги аҳволига бағишланди.

● Тошкентда Ўзбекистон халқаро экспедиторлари ассоциациясининг беш йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

● Шахрисабздаги пахтани тозалаш заводида пахта хом ашёсини сифатли қайта ишлаш масалаларига бағишланган республика амалий семинари ўтказилди.

● Музработ туманида «Оқсоқоллар боғи»га асос солинди. Мазкур боғнинг Қарияларни қадрлаш йилида барпо этилиши нуронийлар учун катта совға бўлди.

● «Ғаллабанк»нинг Чимбой тумани филиалида «Тадбиркорлар бурчаги» ташкил этилди. Бу ерда тадбиркорлар, деҳқон, фермер хўжаликлари раҳбарлари ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб топа оладилар.

● Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимлари мактаб ўқувчилари ўртасида солиқ қонунчилиги саводхонлиги бўйича танлов ўтказишга қарор қилди.

● Баликчи туман ҳокимлиги ҳамда вилоят атамалар комиссиясининг қўшма қарорига кўра, тумандаги 23-мактабга Ўзбекистон халқ ҳофизи, бастакор Фаттоҳхон Мамадалиев номи берилди.

● Ўзбекистон Давлат санъат музейида мусаввир Анвар Бахтиевнинг «Туташ оламлар» деб номланган расмлар кўргазмаси очилди. Кўргазмада рассомнинг 138 та энг сара асарлари намойиш этилаётир.

Жаҳонда

● Вашингтонда «Ўзбекистон Республикасининг сармоявий салоҳияти» мавзуида АҚШ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорликни фаоллаштиришга йўналтирилган бизнес-семинар бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси АҚШ Савдо вазирлигининг МДҲ бўйича ишбилармонлик ахборотлари хизмати билан ҳамкорликда ташкил этди.

● Россия Федерациясининг пойтахти Москва шаҳридан Ўзбекистон Республикасига келган хушхабарда айтилишича, Оқолтин иқтисодиёт ва бизнес коллежи директори, профессор Явқошти Ҳайдаров Халқаро Педагогика Академиясининг катта олтин медали билан тақдирланган. Мазкур Академия аъзосига ушбу мукофот таълим, маданият ва илм-фан соҳасида эришган ютуқлари учун берилади.

● Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти парламент ассамблеясининг делегацияси президентлик сайловларидан сўнг мамлакатдаги сиёсий вазият билан танишиш мақсадида Беларусга келди.

● Франция Ташқи ишлар вазирлиги АҚШнинг Гуантанамо (Куба) ҳарбий-денгиз базасидаги 150 та асирнинг икки нафари француз эканлигини тан олди. Бу ҳақда Франция Ташқи ишлар вазирлиги вакили Франсуа Ривассо матбуот анжуманида маълум қилди.

● Хабар берилганидек, Нью-Йоркда Жаҳон иқтисодиётига бағишланган анжуман давом этмоқда. Мазкур иқтисодий форум қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаш учун тўрт минг нафардан ортиқ полициячи жалб этилган. Лекин шунга қарамай, бу ерда глобаллашувга қарши бўлганлар билан ҳуқуқ-тартибот кучлари ўртасида тўқнашув бўлиб ўтди. 30 киши ҳибсга олинди, уч киши жароҳатланди.

● Исроил вертолётлари Фаластиннинг денгиз полицияси қароргоҳини ўққа тутди.

● Сингапурда «Ал-Қаида» террористик гуруҳи билан алоқада бўлган 30 дан ортиқ шахс ҳибсга олинди. Ҳибсга олинганлар Осиё Жануби-шарқидаги мамлакатлардаги АҚШ ваколатхоналарига қарши қатор террорчилик ҳаракатларини содир этишни режалаштирган эди. Жумладан, улар АҚШ, Буюк Британия ва Исроилнинг Сингапурдаги элчихоналари яқинида қатор разведка ишларини олиб бориб, бир қанча тонна портловчи моддаларни йиғиб қўйган эди.

● Аксилтеррор амалиётларини амалга ошириш борасида Германия Кенияга учта разведкачи самолёт жўнатишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Германия Мудофаа вазирлиги хабар берган. Чунки Кениянинг шарқий қўшниси Сомалида террорчи гуруҳлар бор, деб тахмин қилинмоқда.

● Япония Ташқи ишлар вазири этиб шу пайтга қадар экология вазири лавозимини эгаллаб турган Иорико Кавагути тайинланди.

● АҚШ демократик партияси вакили Альберт Гор сиёсат майдонига қайтиш арафасида турибди. У «Leadership 02» деб номланадиган янги сиёсий қўмита тузишни режалаштирмоқда. Қўмита Альберт Горни демократик партиядан АҚШ Конгрессига ўз номзодини кўрсатиш учун тузилмоқда.

● БМТга аъзо давлатлардан йигирматаси аъзолик бадалларини тўламаганлиги учун БМТ Бош Ассамблеясида йил давомида овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

● Қозоғистонда сенат — парламентнинг юқори палатаси терроризмга қарши кураш масалалари бўйича қонунчиликка тузатишлар киритишни маъқуллади. Ҳужжат Президент Нурсултон Назарбоев томонидан имзоланишга юборилди.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг махсус мажлисида БМТ Миссиясининг Грузиядаги кузатуви бўйича мандатини яна ярим йилга узайтирди. Абхаз масаласига бағишланган йиғилишда 136 нафар кузатувчининг бўлиш муддатини 31 июлга қадар узайтиришга қарор қилинди.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан жаҳон давлатлари эътиборини 8-24 февраль кунлари АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида ўтказиладиган қишки олимпиада ўйинларига қаратар экан, олимпиада бу сулҳ ёки яраш ахди дегани, олимпиада гулхани ёниб турар экан, замбараклар жим туриши лозим, деди.

● Қувайтда нефть сақлаш омборида юз берган кучли портлаш оқибатида икки киши ҳалок бўлди, 17 киши тан жароҳати олди.

● Хитойдаги шахталардан бирида юз берган портлаш натижасида 9 киши ҳалок бўлган, 13 киши эса бедарак йўқолган.

● Таиланд пойтахти Банкокда компьютер заводи биноси қулаб тушиши оқибатида етти киши ҳалок бўлган, 53 киши тан жароҳати олган. Фожиа сабаблари ўрганилмоқда.

● Туркияда Рихтер ўлчови бўйича 6 балл куч билан ер силкиниши содир бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, бинолар вайрон бўлган, 35 га яқин киши ҳалок бўлган ва 150 дан зиёд киши жароҳатланган.

Ўз меҳнатидан мамнун бўлиб табассум билан боқиб турган Нигора Зияева «VIS0» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг қўшма корхонасида ишлайди. Жамоада харидоргир пойабзаллар тайёрланишида унинг ҳам салмоқли улуши бор.

Кейинги йилларда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ортиб бораётгани, республикамизга келаётган меҳмонлар аксарияти аввалambор Тошкент билан яқиндан танишишга ошиқаётгани, кўрган-билганлари асосида кўп соҳаларда ҳамкорлик ўрнатишга истак билдираётгани биз учун одатий ҳолга айланиб қолди. Шундай бўлса-да, ўтаётган ой давомида Тошкентга хориждан ташриф буюрган делегациялардан бири — Қозоғистон Республикасининг вилоят маркази — Тараз шаҳри маъмуриятининг сафари хусусида алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Қозоғистонлик меҳмонларнинг фикрига кўра, сермазмун ўтган бир кунлик ташриф натижалари ўз самарасини бериши, келажакда эса икки шаҳар ўртасида эришилган самимий муносабатлар нафақат таразликлар, балки тошкентликлар ҳаётида ҳам алоҳида ўрин тутади. Дарҳақиқат, бу фикр делегация раҳбари, Тараз шаҳри акими Болат Сауранбаев билан бўлган суҳбатимиз чоғида ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтилди.

— Қўшни давлатлар бўлишимизга қарамай Ўзбекистонга биз биринчи маротаба келишимиз. Аммо республикангиз, унинг серқуёш пойтахти Тошкент ҳақида кўп эшитганмиз ва фақат илиқ таассуротларга эгамиз. Яқиндан танишувлар эса бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдирди.

Ташрифимиз мақсадига тўхталишдан аввал олган таассуротларим билан ўртоқлашишга ижозат берсангиз. Биринчи галда кутилмаганда ўзимиз учун кўп нарсани қашф этганимиз, яни Таразда татбиқ этиш мумкин бўлган нарсалардан воқиф бўлганимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Гап шундаки, Тараз Жамбул вилоятининг

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

«Тошкентга бўлган ҳавас шаҳримиз кўркида аксини топади»

маркази бўлиб, узоқ тарихга эга қадимий шаҳар ҳисобланади. Ҳозирги кунда тараздиклар улар учун улуғ сана бўлиб қоладиган байрамга тараддуд кўрмоқда — шу йилнинг октябрь ойида Таразнинг 2000 йиллиги кенг нишонланади. Байрамолди театрлаштирилган тадбирларга тайёргарлик билан бир қаторда шаҳарда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

XXI асрга қадам қўйган тарихий шаҳарларнинг бугунги кўриниши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун атрофимиздаги қўшни давлатларга сафарлар уюштиряпмиз. Мақсадимиз ҳам айнан улар билан танишиш ва бир неча йўналишлар бўйича Тараза лойиқ чизмалар олиш, айниқса меъморчиликда. Тошкент бу борада биринчи қадам қўйган шаҳримиз бўлди.

Ташрифимиз давомида бугунги кунда катта қурилиш майдони номини олган Тошкентда нафақат кенг кўламдаги қурилиш ишларига, балки, биринчи навбатда шаҳарнинг меъморий кўринишига аҳамият берилаётганига ҳам гувоҳ бўлдик. Бу борада қилинаётган саъй-ҳаракатлар Тошкентга кириб келишимиз билан кўз ўнгимизда яққол намоён бўлди. Қаерга қадам ташламанг, қуёш каби нурларини сочаётган осмонўпар бинолар, ўзига хос меъморий ечимдаги шарқона бозорлар, кўприклар, равон кўчалар, метро бекатлари Тошкентнинг кўркига кўрк қўшаётгани, шунинг учун ҳам бу шаҳар нуфузли халқаро анжуманлар ўтказиладиган марказга айлангани бежиз эмаслигига амин бўлдик.

Шаҳрингиз катта-кичик биноларининг ташқи кўриниши фавворалар билан уйғунлаштирилгани эса бизнинг меъморчиликда янгилик бўлиб қолади. Буюк саркарда Амир Темур номи билан боғлиқ мажмуа ҳам делегация аъзолари учун алоҳида кашфиёт бўлди. Ярим асрдан зиёд тарихга эга Ўзбек Миллий академик драма театри биноси қисқа вақтда таъмирланиб ҳақиқий санъат кошонасига айлантирилганини сўз билан ифодалаб беришга ожизман. Ҳайратга солган яна бир нарса, бу консерваториянинг янги биносидир. Бу ерда қурилиш ташкилотлари билан бир қаторда ташқи ва ички безаш ишларида тажрибали ҳунармандлар ёш шогирдлари билан ганчкорлик ва наққошликдаги маҳоратлари билан тенг беллашаётганини кўришга мушарраф бўлдик.

Бир неча ой аввал фойдаланишга топширилган янги сув ҳавзаси ҳам бизни бефарқ қолдирмади. Таразнинг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан шаҳарда энг катта спорт майдонини қайта қуриш, сузиш ҳавзасини таъмирлаш мўлжалланган. Бундан ташқари Абай номидаги театр биноси ҳам таъмирталаб. Бу ишларнинг амалга ошишида Тошкент тажрибаси алоҳида ўрин олиши шубҳасиз. Агарда тошкентлик лойиҳачилар, меъмор ва қурувчилар ҳамкорлик истагини билдирсалар, тез вақт ичида Таразни обод ва кўркам шаҳар қилишга эришишимиз мумкин бўлади. Қолаверса, Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов билан бўлган суҳбатимиз давомида бу ҳақда яхши фикрлар билдирилди ва ният қиламизки, улар амалда ҳам ўз ифодасини топади.

Қисқа ташриф пайтида, шунингдек, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар мустаҳкамлигига бир неча бор ишонч ҳосил қилдик. Хусусан, Тошкентда қозоқ миллатига мансуб болалар учун мактаблар фаолият юритиши, бошқа 100 дан зиёд миллат ва элатлар қаторида Қозоқ миллий маданият маркази мавжудлиги ва ҳукумат қарори билан миллий марказлар ташкил қилинганининг 10 йиллиги кенг нишонланиши қувонтирди. Бу эса Ўзбекистонда демократик жамият пойдевори қурилаётганидан далолатдир.

Шу ўринда Тошкентга ташрифимиз расмиятчиликларсиз, бемалол, кейинги йилларда минтақамиз давлатлари ўртасида ўрнатилган мустаҳкам алоқалар туфайли амалга ошгани ҳақида ҳам айтиб ўтишни ўринли деб биламан.

Маълумки, 2000 йилнинг апрель ойида минтақамиз давлатлари раҳбарларининг галдаги анъанавий учрашуви доирасида талай масалалар ҳал қилинганди. Ўша учрашувнинг самарасини бугун яққол кўрмоқдамиз. Масалан, Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг яқинда имзолаган қўшма баёноти асосида мамлакатларимиз ўртасидаги чегара делимитация қилинди. Бир ой илгари — 28 декабрдаги Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Тошкент саммитида ҳамкорлигимиз янада мустаҳкам ва кўп қиррали бўлиши мақсадида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотига айлантирилди, яъни эндиликда ҳамкорлик фақат иқтисодий йўналишда эмас, ҳар жабҳаларда кенгайтирилиши мақсад қилиб қўйилди. Бундан ташқари давлатимиз раҳбарлари томонидан музокаралар пайтида яқин кунларда Тошкентда Марказий Осиё ишбилармонлари анжуманини, Қозоғистонда эса Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш таклифлари билдирилди.

Тошкент саммитидан сўнг Ўзбекистон пойтахтига биринчилардан қилган ташрифимизни давлатларимиз раҳбарлари билдирган таклиф ва фикрларининг амалдаги кўринишларидан бири деса бўлади. Ва яна бир бор шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, Тошкентда кўп нарсани кашф этдик.

Дарвоқе, агарда тақдир сизни Таразга етаклаб келса, бу ерда шаҳрингиз аксини кўриб ҳайрон бўлмайсиз деган умиддамиз. Чунки ниятимиз ўзбек халқининг илиқ, самимий муносабатлари асосида Таразда Тошкент шаҳрининг айрим меъморий кўринишларини акс эттиришдир. Ўйлайманки, инсонлар ёки давлатлар қанчалик бир-биридан эзгуликка, ривожланишга ундовчи нарсалардан ибрат олиб, ўзида сингдиришга ҳаракат қилса, бундай инсонлар ва бундай давлатларнинг истиқболи порлоқ бўлиши, шубҳасиз.

Суҳбатни Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА ёзиб олди.

Жамоамиз 1999 йилда иш бошлаган. Мақсадимиз тадбиркорлик билан иш юритиб ихтиро ва тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этишдир.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, айни дамда изланишларимиз ўз самарасини бериб, пайвандлаш аппаратини яратдик. Ихтироимиз Ўзбекистон Фан ва техника Давлат қўмитаси патент идораси томонидан тасдиқланди. Биз яратган газ пайвандлаш ускунаси учун кислород тўлдирилган баллон ва четдан келтириладиган карбид керак эмас, балки унга ҳар жойда топиш имконияти бўлган сувнинг ўзи кифоя қилади. Ушбу газ пайвандлаш ускунаси билан бир соат пайванд ишларини бажариш учун атиги 1,5 литр сув керак бўлади, холос. У буюртмачиларга қулай бўлиши учун 220 вольтли электр токида ишлайди. Электр энергияси иш усулига қараб 100 ваттдан 4 киловаттгача сарф миқдорини ташкил этади. Шунга яраша сувдан чиқарилаётган газ миқдори соатига 50 литрдан 1500 литргача етади. 9 литр дистилланган сув генератор электролизерида ток ёрдамида электролиз усулида парчаланади. Чиқаётган газ экологик тоза бўлиб рангсиз ёнади. Шу сабаб газнинг ярми бензин солинган идиш—барботердан ўтказилади. Натижада газ-пайвандловчига қулайлик туғдирилиб, газ рангли бўлиб ёнади.

Шуниси эътиборлики, ушбу ихтиро, яъни газ пайвандлаш аппарати бир қанча кўргазмаларда маҳаллий ва хорижий мутахассислар томонидан ҳам ижобий баҳосини олди. У Россия ва Украинада ишлаб чиқарилаётган генераторлардан техник афзаллиги ва нисбатан арзонлиги билан фарқ қилади.

Шаҳримиз ҳудудида ҳам баъзи турар жой бинолари ва ижтимоий объектларда хизмат кўрсатувчилар «карбид йўқ», «кислород йўқ» дея уй-жойларни таъмирлаш ишларини пайсалга солиши ҳеч кимга сир эмас. Баъзи бир бепарво пайвандчилар кўкариб турган дарахт остига, ариқ сувига карбид чиқиндиларини тўкиб атроф-муҳитга зарар етказишади.

Бизнинг асосий мақсадимиз, аввало ўз бозоримизни, импорт ўрнини босувчи ҳам арзон, ҳам қулай газ пайвандлаш аппарати билан таъминлаш ва шу билан бирга рақобатбардош маҳсулотимизни хорижга чиқаришдир. Тўғри, ҳозирда бизнинг ишимизга Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон давлатларидан қизиқиш бор. Аммо бизга ташқи бозорга йўл очадиган ҳамкор керак. Шунингдек, биз пойтахтимизда ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳам ҳамкорликни бошлаб юбордик.

Албатта, яратган ихтироимизга буюртмалар кўпайса, ишлаб чиқариш ҳам кенгаяди, қўшимча ишчи ўрни яратилади. Ундан тушган маблағ эса янги-янги ихтиролар яратишга сарфланади. Энди биз шуни англаб етдикки, ихтиро қилиш, уни ишлаб чиқаришга жорий этишдан ташқари харидор топиш ҳам алоҳида куч-ғайрат, санъат талаб қилар экан.

Йўлдош РАҲМОНОВ, Сергели туманидаги «Технонур» масъулияти чекланган жамияти директори. Ислом ЮСУПОВ, менежер, техника фанлари номзоди.

МУЛОҲАЗА

Харидор топиш ҳам санъат

МУЛКДОР

Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг саҳифаси

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида барча соҳаларда ривожланишга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар юзага келиши, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар барқарор ривожланишида инвестицияларнинг, яъни турли кўринишдаги сармоялар алоҳида аҳамиятга эга. Ўз навбатида, сармоядорлар, шу жумладан чет эл инвесторлари, давлат томонидан кафолатланган катта ҳуқуқ ва имкониятларга эга. Аммо мулкдор деганда, ўзбекистонлик сармоядорлар қаторида хорижий ҳамкорларимизда Ўзбекистонда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи борми?

Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси етакчи мутахассиси Лариса БРАИЛОВАдан шу мавзуга оид саволларга қуйидагича жавоблар олдик:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 майдаги «Чет эл инвестицияларни иштирокида корхоналар ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида чет эл инвесторларига мулкка эгалик қилиш ҳуқуқлари ва даромадларини ҳимоялашга йўналтирилган кафолатлар ҳамда имтиёзлар тизими жорий қилиниб барқарор инвестицион шароит яратилган.

Чет эл инвесторлари учун кенг кафолатлар мавжуд. Жумладан, «Ўзбекинвест» миллий суғурта ҳамда «Ўзбекинвестинтернешнл» халқаро компаниялари томонидан инвесторлар айрим синиш жараёнларидан суғурта қилинган.

Ўзбекистон ҳудудида хорижий сармоядорлар учун халқаро стандартларга жавоб берадиган барча ҳуқуқий асослар яратилган. Масалан, «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ва «Чет эл инвесторлари ҳуқуқлари кафолати ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Қонунларга мувофиқ республикамизда фаолият юритувчи хорижий сармоядорлар кафолатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялаш чоралари белгиланган.

— Чет эл инвесторлари Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга бўла оладими?

— Ҳа, албатта. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги «Давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнига чет эл капитали киритилишини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан «Тошкент» республика хом-ашё биржасининг махсус савдо майдони орқали чет эл инвесторлари учун хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини эркин валютада савдосини ташкил қилиш тартиби қабул қилинган. Унинг асосида хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат улуши ҳисобидаги акцияларини хорижий сармоядорларга мулк сифатида сотиш жараёни аниқ кўрсатиб ўтилган.

— Маълумки, хорижий шериклар аксарияти Ўзбекистонга янги техника ва технологиялар кўринишида ҳам сармоя киритмоқда. Хорижий мулкдорларга акциялар сотилишида шундай ҳуқуқ берилиши мумкинми?

— Ҳақиқатан ҳам, чет эл инвесторларининг техника ва технологиялар бўйича лойиҳалари бизнинг шарт-шароитларимизга маъқул бўлса, улар корхоналар акцияларини шу ҳисобдан сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Ким ошди савдоларида хорижий сармоядорлар иштироки барча хоҳловчилар қаторида чегараланмаган, яъни ҳуқуқлари тенг.

(Ўз мухбиримиз)

МУСОҲАБА

Чет эл инвестори мулкдор ҳисобланадими?

Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунига кўра биринчилардан бўлиб Миробод туманида ташкил топган «Олмазор-коммунал» ширкати айни кунда амалга ошираётган ибратли ишлари билан хонадон аъзоларининг эътиборини қозонди.

Дастлаб, яъни 2000 йил апрелида ушбу уй-жой мулкдорлари ширкатига 15 та кўп қаватли уйлар бирлашди. Туманда биринчилардан бўлганлиги сабабли ҳам аввало жуда кўп йиғилишлар ўтказилди, ширкатнинг мақсад ва вазифалари, нималарга асосий эътибор қаратилиши ҳақида хонадон эгаларига маълумотлар берилди. Албатта, ширкат ўз ишини уйларнинг аҳволи билан қизиқишдан, айрим долзарб муаммоларни ечишдан бошлади.

— Орадан олти ой ўтгач олиб борилаётган ишларимизни ўз кўзлари билан кўрган яна 3 та уй сафимизга қўшилди, — дейди ширкат бошқаруви раиси Эшонқул Рўзиев. — Кейинчалик яна 2 та уй ширкатга аъзо бўлди. Ҳозирда тасарруфимизда 20 та 4 қаватли уйлар мавжуд бўлиб, ундаги 1060 та хонадонда 2580 нафар

ШИРКАТЛАР

Одамлар ишончи — юксак мукофот

киши яшайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, албатта, ишларни тўғри йўлга қўйиш анчагина меҳнат талаб қилди. Уларни мавжуд уйларимизнинг барчаси эски бинолар бўлиб, капитал таъмирга муҳтож эди. Ўтган икки йил давомида эса уларнинг 11 таси тўла таъмирдан чиқди. Қолган 9 таси ҳам навбати билан таъмирланиш арафасида. Лекин бу ушбу уйларда аҳвол ёмон дегани эмас, чунки ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан уларда мавсумга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек бажарилади, кундалик муаммолар эса вақтида ҳал этилади.

Турар-жой биноларининг кўпчилиги ширкатга аъзо бўлган вақтда коникарсиз аҳволда эди. Асосий муаммолар иситиш тизимларидаги аҳвол ҳамда томдан чакка ўтиши эди. Ана шу муаммолар босқичма босқич ҳал этила борди, таъмирлаш ишлари мунтазам давом этди. Эндиликда эса ушбу уйларда яшовчилар учун қишнинг совуғи қўрқинчли эмас, чунки уйлар рисоладагидек иссиқ. Уйларнинг йўлакларидаги ҳамда ертўла эшикларига мустаҳкам. Куну тун диспетчерлик хизмати йўлга қўйилган ва унинг иши доимо назорат қилиб борилади. Шунинг учун бўлса керак, эндиликда хонадон эгалари ширкатнинг коридорини тўлдириб арз қилишга келмайдилар. Чунки ҳамма иш ўз вақтида бажарилмоқда, ходимлар ҳам малакали.

Энг қувонарлиси шундаки, ширкат ходимлари уйларда яшовчи хонадонларга яхши ва қулай бўлишига эришиш ниятида меҳнат қилишмоқда. Ана шу ниятда тажрибага ҳам кўл урилиб, 3 та уйга «ТАСИС» лойиҳаси асосида газ, иссиқ ва совуқ сув ўлчагичлари ўрнатилди. Аввалига уйларда яшовчилар ишончсизлик билан қараган бўлсаларда, тажриба ўзини тўла оқлади. Ушбу уйлардаги хонадонларда сув тежамкорлиги 70 фоиз, газ бўйича эса 60 фоизни ташкил этди. Эндиликда эса бошқа уйлардаги хонадон соҳиблари ҳам ширкатга ўз хонадонларига газ ва сув ўлчагичлар ўрнатиш истаги билан келишмоқда.

— Тажриба бепул амалга оширилган бўлса, — дейди Эшонқул Рўзиев, — эндиликда ўлчагичлар хонадон эгалари маблағлари ҳисобидан қуйилади. Лекин тежаб-тергашда, оила иқтисодига ёрдам беришда улар ўзини оқлайди. Шу боис ҳам барча яшовчиларга бу нарсани тушунтириб бормоқдамиз.

«Олмазор-коммунал» ширкати ходимларининг иш тажрибасидан яшовчилар билан тез-тез учрашиб туриш, уй бошқарувчилари ёрдамидан фойдаланиш, уй эгаларига ҳисоб-китоб ишлари, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида маълумотлар бериш, муаммоларни уларнинг фикрлари асосида ҳам ҳал этиш кенг ўрин олган.

Албатта, иш бор жойда ўзига яраша муаммолар ҳам учраб туради. Ушбу ширкатда ҳам кундалик муаммолар, тезда бартараф этилиши лозим бўлган буюртмалар учрайди. Лекин ширкат ходимлари ҳар бир ишни астойдил ҳаракат билан уддалаш мумкинлигини, ёрдамга кўз тутган одамларнинг кайфиятини кўтариш кераклигини, ана шунда ишларига яраша мукофот — яхши муносабат, миннатдорлик туйғулари бўлишини жуда яхши билишади. Энг юксак мукофот эса яшовчиларнинг ишончи эканлигини улар дилдан ҳис этишади.

(Ўз мухбиримиз)

ДАВР ТАЛАБИ

Хусусий болалар боғчалари

Пойтахтимиз Тошкентда ташкил этилаётган, хусусий болалар боғчалари саноқлигина бўлсада, ушбу муассасаларда имконияти бор оилаларнинг болалари тарбияланмоқда, бундай тарбия масканлари ота-оналар талабига жавоб бермоқда. Биз шаҳримиздаги хусусий боғчалар фаолияти ва бу борадаги келгуси хусусийлаштириш жараёни ҳақида маълумот олиш учун шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси мактабгача тарбия бўлими бошлиғи Феруза ВАҲОБОВАга мурожаат этдик.

— Ушбу жараён қандай бошланди?

— Хусусийлаштириш жараёнининг биринчи босқичида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси Вазирлар Маҳкамасига шаҳримиздаги болалар боғчаларининг маълум қисмини мулк шаклини ўзгартириш учун тажриба-синов ишларини ўтказиш таклифини киритдилар. Чунки бунинг учун қонуний база мавжуд бўлиб, 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг бир бандида мактабгача таълим муассасалари давлатга қарашли ва шу билан бирга давлатга қарашли бўлмаган ҳолда бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган эди. Ташаббус қўллаб-қувватланиб, ушбу тажриба-синов 1998 йилда Юнусобод туманидаги 415-боғчада амалга оширилди. Туб таъмирга муҳтож боғча биносини мудира Д.Нусратова сотиб олди, секин-аста зарур жиҳозлар билан тўлдирди. Ҳозирда хусусийлаштирилган ушбу болалар боғчасида 75 та бола тарбияланмоқда. Боғча фаолияти билан танишиб шунга амин бўласизки, бу ерда бир қатор афзалликлар мавжуд, яъни ҳар бир бола таълим-тарбиясига якка тартибда ёндошиш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, машғулотлар учун барча шароитлар борлиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

— Хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичида қандай ишлар амалга оширилди?

— 1999 йил 24 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоқларини ташкил этиш ва ривожлантириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ана шу қарорни бажариш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигида ишчи гуруҳи ташкил этилди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 415-қарорига кўра пойтахтимизда 2000-2001 йилларда 11 та болалар муассасаси хусусийлаштириш режасига киритилган эди. Бугунги кунгача уларнинг 4 таси хусусийлаштирилди. Булар Миробод туманидаги 34-болалар боғчаси қошидаги «Олтин қанот» хусусий боғчаси бўлиб капитал таъмирдан сўнг иш бошлади. 60 болага мўлжалланган ушбу масканда ҳозирда 22 та болажон таълим-тарбия олмоқда. Ҳамза туманидаги 513-болалар боғчасида таъмирлаш ишлари учун смета тузилиб, ишлар бошланиш арафасида. 80 ўринга мўлжалланган бу боғчада гуруҳлар билан бир қаторда болалар ижодиёт марказини ташкил этиш режаланмоқда. Чилонзор туманидаги 257-болалар боғчасида таъмирлаш ишлари кетмоқда. Бу ерда болалар гуруҳи билан бир қаторда нон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш кўзда тутилган. Сергели туманидаги 563-болалар боғчасида бизнес режага мувофиқ 6 та гуруҳ билан бир қаторда болалар саломатлик сиҳатгоҳини ташкил этиш назарда тутилган.

— Қолган болалар муассасаларининг хусусийлаштирилмаганлигининг асосий сабаблари нимада?

— Шуни айтиб ўтиш ўринлики, хусусийлаштиришга қўйилган болалар боғчалари моддий-техника базаси ёмон аҳволда эди. Бу ҳам ўзига яраша муаммоларни келтириб чиқарди. Албатта, уни сотиб олган харидорлар кейинчалик уни таъмирлаш, жиҳозлаш учун катта маблағ талаб қилинади. Бунинг устига мактабгача болалар муассасалари учун пул қўйган одам ундан келадиган фойдани ўйламаслиги керак. Жаҳондаги кўплаб мамлакатлар тажрибасини кузатганимизда ҳам ушбу фаолият катта фойда олиб келмаслигининг гувоҳи бўламиз.

Алоҳида айтиш керакки, хусусий боғчалари пенсия жамғармаси тўловидан ташқари барча солиқларни 3 йилгача тўламаслик имтиёзига эга. Қолган боғчалар мулк сифатида кимошди савдосига қўйилди. Албатта, улардан тушган маблағ давлатга қарашли болалар боғчалари моддий техника базасини яхшилашга сарфланса кўнгилдагидек иш бўларди.

— 2002 йил режалари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Учинчи босқичда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси шаҳримиздаги капитал таъмирлашга муҳтож, болалари кам боғчаларни ўрганиб чиқиб, уларни ушбу йил хусусийлаштириш режасига киритишни таклиф этди. Шаҳар ҳокимиятида Вазирлар Маҳкамасининг 313-қарорини бажариш бўйича фаолият юритаётган ишчи гуруҳ йиғилиши ушбу рўйхатни ўрганиб чиқиб, боғча билан танишиб, яна 7 та болалар муассасаларини хусусийлаштириш режасига киритишга қарор қилди. Булар Чилонзор туманидаги 310-, Мирзо Улуғбек туманидаги 50-, ва 131-, Юнусобод туманидаги 218- ва 245-, Ҳамза туманидаги 9- ва 198-болалар боғчаларидир.

Албатта, хусусий болалар боғчаларининг ташкил топаётганлигини ва фаолият кўрсатаётганлиги, болалар муассасаларининг маълум қисмини хусусийлаштириш ушбу соҳаривожига муҳим ҳисса бўлиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Инвест-Тош» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари маҳаллий хом ашёдан сифатли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариб, буюртмаларни тез ва соз адо этишмоқда.

СУРАТДА: корхона фрезерчилари Манноп Пардаев ва Владимир Зоткинлар маҳсулот сифатини таъминлашда муҳим ҳисса қўшишмоқда.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

ТАҚДИМОТ

Рангли китоб-альбом

Мамлакатимизда олий таълимни ривожлантиришда Тошкент Давлат шарқшунослик институти ҳам салмоқли ўрин тутади.

Марказий Осиёда ягона шарқшунослик олий ўқув юрти бўлиб фаолият кўрсатаётган бу институт кейинги ўн йил ичида ҳар томонлама кенгайиб, мустаҳкам ўқув-моддий техникага эга бўлди.

Ҳозир бу ерда 20 дан ортиқ тиллар бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Араб, форс, ҳинд, хитой каби тиллар қаторида япон, корейс, турк тиллари ҳам чуқур ўрганилмоқда.

Талабаларга қўлёзма асарларни ўргатиш, келажакда ёзма манбалар устида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида манбашунослик ва матншунослик кафедраси ҳам очилди.

Шарқшунослик фани бўйича кўплаб дарслик ва ўқув адабиётлари яратилиб, талабаларга тақдим қилинди.

Ана шу йирик олий ўқув юртининг босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилувчи янги рангли-суратли китоб-альбом босиб чиқарилди. Ушбу қизиқарли нашр институтнинг педагогика ва шарқ тилларини ўқитиш методикаси кафедраси мудири доцент Малик Абдусаматов муаллифлигида тузилиб, чоп этилди.

Акбар АЛИЕВ

Одамзот қадим-қадимдан куй-қўшиққа ошно бўлиб келган. Қўшиқ, мусиқа инсон қалбига гўдакликдан она алласи билан сизиб кирган. Дунёда она алласидек майин, қалбга ором бағишловчи сеҳрли қўшиқ бўлмаса керак. Оналар алласини юракдан куйлаган севимли хонанда Ҳабиба Охуновнинг «Алла» қўшиғини ҳузур қилиб тингламаган одам бўлмаса керак. Бу қўшиқ сеҳри, куй сеҳри кўплар қатори ёшгина қизалоқ Гулбаҳорнинг ҳам қалбида санъатга ҳавас, иштиёқ уйғотган бўлса ажабмас...

Орадан йигирма йиллар вақт ўтгач «Алла» қўшиғини Гулбаҳор Эркулова худди устози Ҳабиба Охуновадек маромига етказиб ижро этиб, мухлислари олқишига сазовор бўлди.

Ёшлигидан санъатга ихлоси баланд Гулбаҳор радио орқали Ўзбекистон халқ артистлари Ҳабиба Охунова, Берта Давидова, Фаттоҳхон Мамадалиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъматжон Қулабдуллаевлар ижросидаги қўшиқларни жон қулоғи билан тинглар, ўзича хиргойи қилиб юрарди. Шунингдек, жозибали овоз соҳиблари Қобилжон Юсупов, Ханифа Мавлонова, Назира Аҳмедованинг хонишларини тинглаганда ҳамма нарсани унутиб, сеҳрланиб қоларди гўё. Бу қалбга яқин қўшиқлар Гулбаҳорни кейинчалик Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг «Анъанавий қўшиқчилик» факультетига ўқишга етаклади. Санъат оламига қадам қўйган Гулбаҳор ширали, вазмин овози билан миллий мақом йўналишидаги қўшиқларни жон дили билан куйлаб санъатсевар мухлислари қалбидан тезда ўрин олди.

Кейинги вақтларда радио ёки «ойнаи жаҳон» орқали ёки катта саҳналарда Гулбаҳор Эркулова ижросидаги дилрабо қўшиқлар кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Унинг юрагидан сизиб чиққан миллий мақом йўналишидаги мумтоз қўшиқлар дейсизми, эстрада йўналишидаги лирик қўшиқлар дейсизми, барчасида ўзига хос ва ўзига мос мусиқа, шеър ифодаланган. Ҳа, ҳақиқатан Гулбаҳор куйлаганда унга бутун борлиқ, гулу чечаклар, қушлар ҳам жўр бўладилар гўё. Гулбаҳор айниқса она-Ватанни мадҳ этувчи қўшиқларни юракдан жўшиб куйлайди.

Кўзим очган кунимдан ҳамдам,
Ҳамхонасан мен учун Ватан,
Офтоб битта, ой битта сен ҳам
Ягонасан мен учун Ватан.

Гоҳ кўз ёшим томган тол бешик,
Гоҳ тупроқ тош, кўримсиз эшик,
Сир сақласам неки сир айтсам,
Остонасан мен учун Ватан...

Ҳа, Гулбаҳорнинг қўшиқлари қалбидан сизиб чиқиб қалбларга осонгина етиб боради. Хонанда куйлаганда кўнгилларга ажиб бир илиқлик, сокинлик, ёруғлик оқиб киргандек бўлади. Унинг қўшиқларида миллийлик, вазминлик, дилбар оҳанг мавжуд.

— Гулбаҳор, айтингчи, аввало сиз аёл бахтини нимада деб биласиз?...

— Менимча аёл, оналар бахти бу мустаҳкам, тотув оила, вафоли, садоқатли ёр, соғлом фарзанд. Оила, бу бир қўрғон. Ана шу муқаддас қўрғонни асраб-авайлагувчи, яшнатувчи, файз-барака киритувчи азиз ва мукаррам аёллардир. Оналик бахти, бекалик бахтини ҳар бир аёл орзу қилади. Истардимки ана шу олий бахт ҳар бир аёлга насиб этсин.

СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

Гулбаҳор қўйлаганда...

дилга ёқар хуш наво

— Айни кунларда ўзбек миллий эстрада қўшиқларига муносабатингиз...

— Бугунги кунда ёшлар миллий мумтоз қўшиқларга нисбатан кўпроқ эстрада қўшиқларини севиб тинглашади. Айримлар миллий қўшиқларимизни менсимайди, тушунишмайди. Қўшиқ шеърларини бузиб айтиб, фонограммадан керак, нокерак пайтда фойдаланишади. Фонограммадан қачон фойдаланишни яхши билиш керак. Истардимки санъат оламига кириб келаётган санъаткор аввало ўзимизнинг мумтоз миллий қўшиқларни ўрганса, шу билан секин-аста ўзбек миллий эстрадасига йўл олса, айни муддао бўларди. Ўйлайманки, миллий қўшиқчилик билан миллий эстрада ўртасидаги жарни йўқотиш керак. Ёшларга ҳар икки йўналишни таништириш ҳамда уларни шу икки усулда ижод қилишга ундаш лозим. Ана шунда хонанда ҳақиқий санъаткор даражасига етишади.

— Гулбаҳор, сизнинг овозингиз севимли хонанда Ҳабиба Охуновага жуда ҳам ўхшайди. Қўшиқ айтаётганингизда бу санъаткорнинг овозига тақлид қиласизми?

— Ёшлигимдан устоз санъаткор Ҳабиба Охунова қўшиқларини шунчалик севиб ижро этганим учунми, овозим уларнинг овозига ўхшаб кетган. Лекин бизнинг овоз пардаларимиз бошқа-бошқа. Хонанданинг «Алла», «Барно йигит», «Бизнинг айвон», «Кўнгил» сингари қўшиқларини севиб ижро этганман.

Менинг мумтоз қўшиқлар ижро этишимда севимли санъаткорлар Фаттоҳхон Мамадалиев, Таваккал Қодиров, Неъматжон Қулабдуллаев, Ориф Алимаҳсумовнинг қўшиқлари катта дарс бўлган. Менинг санъаткор бўлиб танилишимда мана шу устозларим, айниқса Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоиловнинг хизматлари беқиёс.

— Гулбаҳор, айтингчи, қандай мавзуларда кўпроқ куйлашни ёқтирасиз?

— Она-Ватан, гўзал Ўзбекистонимизни мадҳ этувчи қўшиқларни юракдан ёниб, жўшиб ўзгача меҳр, завқ билан, фахр билан куйлайман. Бундай қўшиқларимнинг юзага келишида устозларим М.Бафоев, Қ.Комилов, А.Назаровларнинг ҳиссалари катта. Мен устозларимдан доимо миннатдорман. Албатта Ватан, гўзал Тошкентимизни ҳар қанча мадҳ этсак арзийди.

Тошкентим, шаҳарлар кўп экан
ёруғ дунёда,
Бир-биридан кўркам зиёда.
Аммо сен ўзингсан мен учун танҳо,
Омон-омон бўл...

Мен бундай қўшиқлардан ташқари «Бозиргони», «Шитоб айлаб», «Кошки», «Наср ушшоқ» каби миллий мумтоз қўшиқларимизни севиб ижро этаман. Шунингдек, Ҳазрат Навоий ғазалларига ҳам кўп мурожаат қиламан.

...Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Эркулова айни кунларда «Ўзтелерадиокомпания» қошидаги академик Юнус Ражабий номли мақом дастасида ижод ва изланишда. Унинг шарқона либосда латофат билан айтган нафис қўшиқлари ҳамиша қалбларимизга ҳузур бахш этаверсин. Ҳа, чиндан ҳам «Гулбаҳор куйлаганда дилга ёқар хуш наво».

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.

ЎЗБЕК АДИБЛАРИ — «ОҚШОМ» УЧУН

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али тарихий мавзуда изчил қалам тебратиб келаётган таниқли адибларимиздан биридир. Ўқувчиларимиз унинг «Машраб», «Гумбаздаги нур» достонлари, «Боқий дунё» шеърий романи, «Сарбадорлар» тарихий романи каби асарларини севиб ўқийдилар.

Яқинда адибимиз ўзининг янги «Улуғ салтанат» тарихий романини ёзиб тугатди. Асар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида муҳокама қилиниб юксак баҳога сазовор бўлди. У Амир Темур давридан ҳикоя қилади.

Бугундан бошлаб янги тарихий романдан айрим бобларни оқшомхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

УЛУҒ САЛТАНАТ

Тарихий романдан боблар

Ҳумоюн ўрдудан чопар қутлуғ хабар етказди. Темурбек Жаҳонгир Мирзо чодирига ташриф буюрмоқда эканлар... Мулозимлар тараддудга тушдилар.

Ногаҳон келиб теккан ўқнинг захми Жаҳонгир Мирзони хийлагина ҳоритди. Намозхўжа Шоший муолажа қилган пайтда тишини тишига қўйиб сир бой бермаган бўлса ҳам, чодирга келганларидан кейин дард кучайди, иситма чиқиб жони қийналаётганини ошкор қилиб қўйди. Айниқса, саккиз қават кўрпачали ўринга чўзилганида ўқ теккан жой лўқиллаб оғрий бошлади.

— Азоб бермакдами?..

Ахий Жаббор амирзоданинг чеҳрасига қараб унинг изтироби ортиб бораётганини кўриб турарди. Тиниқ юзлари бўғриқиб кетган, намланган ёрқин кўзларига хира парда тортилгандек... Аҳволини кўриб, билиб туриб, ҳол сўраганига ўзи хижолат чекди:

— Иложи бўлсайди, амирзодам, дардингизни ўзимга олардим...

Жаҳонгир Мирзо индамади. Ахий Жаббор амирзоданинг тинчлантириб, ухлатиб қўйиб ўз олачуғига қайтмоқчи эди. У ерда йигитлари Учқора, Йаналтекин, Йўлқутлуғлар кутиб туришибди. Улар бу кеча посбонлик қилишлари керак. Ахий Жаббор амирзоданинг салқи оёғини оҳиста кўтариб болдири тагидан икки ёстиқ қўйиб қўйди. Дард бироз чекингандай бўлди, амирзода ўзини енгилроқ сезди.

Чопар билан изма-из қўлида тасбеҳ, пири муршид Мир Саййид Барака кириб келди. У амирзода ёнига тиз чўкди ва пичирлаб дуо ўқий бошлади. Ора-орада «Суф!», «Суф!» деб амирзодани нафас қилар, яна кўзларини юмганча тиловатда давом этарди. Барча мулозимлар, улар ортидан Ахий Жаббор ҳам ташқарига, Темурбекларни кутиб олишга чиқдилар. Чодирда ёлғиз пири муршид Мир Саййид Барака қолди. Темурбекнинг ёнида Суюрғатмишхон, Амир Жоку барлос, Амир Сайфиддин некўз, Амир Довуд дуғлат, Аббос баҳодир қипчоқ, Амир Сорибуғо жалойирлар ҳамроҳлик қилиб юрардилар. Аббос баҳодир ва Амир Сорибуғо жалойир ҳаммадан олдин чапдастлик билан отдан сакраб тушдилар-да, рикобдорларни ҳам отда қолдириб, Темурбек бедовининг узангисини тутишга ошиқдилар, Ахий Жаббор отнинг жиловидан ушлади...

Темурбекларнинг чодирга кирганларини сезган пири муршид сўнгги марта «Суф!», «Суф!», «Суф!» деди-да, қўлидаги садаф тасбеҳи билан Жаҳонгир Мирзонинг боши, елкаси ва кўкракларига енгил-енгил уриб қўйди.

— Иншоолоҳ, отдай бўлиб кетгойлар, бўтам! Оллоҳу акбар! Алҳамду лиллоҳи раббил оламин!

Ҳамма дуога қўл кўтарди.

Жаҳонгир Мирзо падари бузруквори ташрифини кўриб, шундай ётганидан хижолат, ўрнидан турмоққа тараддудланди, устидаги қирмизи шоҳи кўрпа сирғалиб пастга тушиб кета бошлади.

— Қимирламангиз, амирзодам! — аллақандай туйғудан юраги бўшашиб деди Темурбек ва кўрпани ўғлининг устига тортиб қўйди. — Ёта беринг, сизга ижозат...

Темурбекнинг — Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо деган уч ўғли ҳамда Оқа Беги хоним билан Султон Бахт бегим исмли икки қизи бор. Оллоҳга шукр! Аммо булар ичида Жаҳонгир Мирзонинг ўрни бошқа, бошқа! Тўнғич ўғил, энг аввал суянчиқ бўлиб, падари бузрукворига кўмакка келадиган ўғил... Аяғи кўзга чўп тушар, деганларидай, Жаҳонгир Мирзо дамба-дам касалга чалиниб турарди. Айниқса, волидайи муҳтарамаси Турмиш оқа вафотидан сўнг бу ҳол тез-тез такрорланиб турадиган бўлиб қолди. Турмиш оқа йигирма етти ёшида бевақт оламдан кўз юмганди. Амирзоданинг ўзи ҳам кўзга яқин-да, кўзчил, суқ одамлар кўп... Кўз тегмасин, деб ҳатто Ҳиротнинг Тойбод қишлоғига одам юбориб, пири шайх Зайниддин Абубакр Тойбодийдан уч бурчак қора бахмал тумор қилдириб келди ва ўғлига, бу туморни ҳамиша юрагингизга яқин ерга тақиб юринг, деб буюрди. Икки йил аввал қаттиқ оғриб қолди. Безгак тутиб дағ-дағ қалтирайди. Устига қанча кўрпа ташламасинлар, совқотяпман, дейди, ҳеч исимайди... Кейин иситма чиқиб, ёмон энтиктирди, ҳароратдан нақ ёниб кетаман, дейди. Темурбек кўрқиб кетди, ҳамма кечаси ухлайди, у жойнамоз бошида Оллоҳга илтижо қилиб чиқади, ўғлимнинг жонини басаломат айлагин, дейди. Табиблар ҳам чорасиз эдилар, барча давони қилдилар, аммо ҳарорат сира пасаймасди. Тунда қай бир табиб тажрибасидан фойдаланиб, ёмғир янги ёққан пайтда чиққан чувалчангларни эзиб сувини докадан ўтказиб ичирдилар. Сабаб-да, ўшандан кейин амирзода ўзига кела бошлади. Бир ҳафта ичида бечора ўғли озиб, сўррайибгина қолди. Энди бўлса, дайди ўқдан заҳмдор бўлиб ўлтирибди. Лак-лак қўшин ичидан ўқ келиб-келиб шу Жаҳонгир Мирзони топибди!..

Темурбек шуни англаб етдики, фарзандларни ҳам ҳадеб пўпалайвериш керак эмас экан. Фарзандларнинг бирини ортиқ, бирини кам кўриш, асли, Оллоҳга ҳам ёқмайди. Барини тенг кўрмак керак, уларнинг муҳофазасини ёлғиз Оллоҳнинг ўзи қилсин, ўзи сақласин!

— Оллоҳ кечирсун, тура олмадим, валинеъмат... — узр билдирди Жаҳонгир Мирзо бирдан Темурбекнинг хаёлларини бўлиб. Уриниб қўйганидан оёғида тағин санчиқ пайдо бўлди.

Бошқа амирлар ҳам амирзодани турмасликка ундаб тинчлантирдилар. Темурбек аста кўрпачани кўтариб, боғлаб қўйилган оёқни кўздан кечирди. Ажабо, амирзода ҳам Темурбек сингари ўнг оёғидан ярадор бўлибди. Отасига тортибди...

— Жаҳонгир Мирзо хўб паҳлавонлик намоён этдилар! — ғурур ила деди Амир Жоку барлос набирасини мақтар экан. — Шер боласи шер бўлур.

— Хўш... — бир томоқ қириб қўйди Амир Сайфиддин некўз. — Қуш уясида кўрганини қилур...

Темурбек ўнғайсизланди ва гап мавзусини ўзгартирмоқчи бўлди, бу қанча тез қилинса, шунча яхши, деган қарорга келди. Жаҳонгир Мирзони чалғитиш зарур, токи жангни ҳам, заҳмни ҳам ёддан чиқарсун. Жони ором олсун.

— Баҳодир! — Темурбек Аббос баҳодирга юзланди. — Майдони ҳарбда амирзода ёнларида саваш қурган навқирон сенинг фавжингдан эрмиш...

— Ҳа! Менинг фавжимдан эрди, Амир Соҳибқирон! — тасдиқлади Аббос баҳодир.

— Мард ўғлон эркан. Кимдир ул? — сўради Темурбек.

Амирлар бир-бирларига қарадилар.

— Жасоратли йигит экан, ҳа! — фикр билдирди Амир Жоку барлос ҳам.

Ҳамма қизиқиб қолди. Чунки Темурбекнинг назарига тушиш катта мартабаларга йўл очилиши дегани эди. Жувонмардлик русумини, валламатликни ўринлатган сипоҳу амирларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмас, муносиб тақдирланарди. Айни пайтда бу валламатнинг қайси фавждан эканлиги, қайси амир сипоҳи мақомидалиги ҳам унутилмасди.

— Исми Ахий Жаббор... — таништирди Аббос баҳодир. — Амир Соҳибқирон, ўзингиз ҳам балки уни эслармисиз... Самарқанд сарбадорларидан, Тун салтанати фуқароси. Кўпдан биламен, ҳалол, жўмард ва садоқатли йигит... Самарқанддалигимда ошно бўлган эдим.

— Қаердан келган ул? — тағин сўради Темурбек.

— Амир Кайхусрав элчисининг ҳамроҳи бўлиб келди.

Шу пайт Жаҳонгир Мирзо сўзга қўшилди, у чиндан ҳам чалғиб, оёғидаги санчиқни ҳам эсдан чиқарди.

— Ўшал сипоҳ шу ерда, валинеъмат Соҳибқирон...

— Қани ул?

Аббос баҳодир худди шуни кутиб турарди. У чодирдан чиқди-да, Ахий Жабборни етаклаб кирди. Ахий Жаббор остонада тўхтаганча таъзим қилиб, салом берди, кейин тиз чўкиб Темурбек тўнининг пешин ўпди. Темурбек шамнинг ғира-шира ёруғида баланд бўйли, шопмўйлов, жуссадор бир йигитни кўрди. Албатта, танийди... Бу йигит, эсида, сарбадорларни Шоҳизинда мозорида дафн этаётганларида бевақт кетган дўстлари учун кўз ёши тўккан, фарёд чеккан. Айниқса, Мавлонозодани қабрга қўяётганларида «Жигарим-ов, жигарим!» деб ўкраб юборган содда йигит... Кейин бошқа кўрмади. «Юртга мана шундай фидойи ўғлонлар керак... — хаёлидан кечирди Темурбек. — Қатордаги норлар...»

— Довюрак экансен, кам бўлма, йигит! — Темурбек босиқ деди. — Жувонмардлик ҳам Оллоҳнинг илтифотидур! Оллоҳ бу илтифотга ҳаммани ҳам сазовор этавермайди.

— Оре, рост. Хўб айтдилар, Амир Соҳибқирон! — тасдиқлади Мир Саййид Барака.

Ахий Жаббор таъзим қилганча бош эгиб турарди.

Темурбек биринчи кунги жангнинг ғалаба сари қўйилган қадам эканлигини уқтириш ҳамда сипоҳий ва амирлар руҳиятини билиш учун бутун ўрдугоҳни тамом айланиб чиқиш ниятида эди. Шу сабабдан кетишга ҳозирланди. Ҳамма унинг изидан ташқари чиқди.

(Давоми бор).

Бундан ҳатто йигирма йил илгари ҳам ҳамюртларимизнинг Америкага бориб фаолият кўрсатишлари, энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишлари, умуман Ўзбекистон ва Америка ўртасида ҳар томонлама муносабатларнинг ўрнатилишини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Ҳамон ёдимизда, 1988 йили Америкага бориб келган Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов олий ўқув юрти талабаларига ўз таассуротларини сўзлаб берганида кўпчиликнинг дили ҳайрат ва ҳавасга тўлган, ширин орзуларга чулғанган эди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Алоқалар кенгаймоқда

Биз мустақилликнинг бугунги ҳаётимиздаги ўрни тўғрисида гапирганимизда шуни зўр қувонч билан таъкидлаш жоизки, айнан Америка Қўшма Штатлари 1991 йилнинг 25 декабрида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. Орадан узоқ вақт ўтмасдан, яъни 1992 йилнинг 19 февралида эса ҳар икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди.

Шу тариқа жаҳоннинг етакчи давлати бўлмиш, улкан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техник ва интеллектуал салоҳиятга эга АҚШ билан ҳамкорлик алоқалари мустақиллигимиз йилларида кўп қиррали ва ўзаро манфаатли асосида давом этди.

Бунга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга 1996 йилнинг ёзида қилган биринчи ва жуда муҳим ташрифи асосий замин яратди. Ушбу тарихий ташриф чоғида Америка пойтахтидаги мулоқотларда ҳар иккала томон учун жуда муҳим бўлмиш иқтисодий ҳамкорликдан тортиб хавфсизликкача бўлган масалалар тўғрисида сўз борди.

Шуни айтиш керакки, фақат 1997 йилдан 1998 йилгача Ўзбекистонга кўплаб АҚШнинг нуфузли конгрессменлари ташриф буюрди ва улар Ўзбекистон-Америка муносабатларида янги саҳифалар очишди

Ўзбекистон — Америка муносабатларида таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Мустақиллик йилларида ўзбекистонлик юзлаб ёшлар «Умид» жамғармаси йўналиши ва АҚШ ҳукумати дастурлари бўйича етакчи Америка университетларида таълим олдидар. Ёшларимиз АҚШда эгаллаган билим ва малакалар шак- шубҳасиз Ўзбекистоннинг дунёвий ва демократик тараққиёт йўлидан мустаҳкам одимлашига имкон яратади.

Лоурел Грей хонимнинг ўзбек рақслари орқали миллий санъатимизни Америкада тарғиб қилиши, адабиётимизнинг, маданиятимизнинг, тилимиз ва санъатимизнинг АҚШдаги жонкуяри ва тарғиботчиси, туркшунос олим, Вашингтон университетининг профессори Илза Лауде Сиртаутаснинг фаолияти, қолаверса Тошкент ва Сиэтл шаҳарларининг биродарлашуви адабий-маданий соҳалардаги ўзаро алоқаларнинг янги босқичга кўтарилишига омил бўлди.

Ҳозирги кунда республикамизда америкалик инвесторлар иштирокида ташкил этилган юзлаб корхоналар ўз фаолиятини амалга оширмоқда, шулардан деярли ярмидан кўпини қўшма корхоналар ташкил этади. Ушбу корхоналар тоғ-руда, кимё, енгил, озиқ-овқат, машинасозлик соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳа, Ўзбекистон ва Америка ўртасидаги маънавий, маърифий, таълим, савдо, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги барқарор алоқалар тўғрисида узоқ тўхталишимиз мумкин. Айниқса Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларининг халқаро терроризмга қарши курашдаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлари икки томонлама муносабатларда янги бурилиш нуқтасини очди. Бу аввалambор турли даражадаги икки томонлама алоқаларнинг сезиларли даражада жадаллашувида ўз аксини топди.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон-Америка ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ушбу самарали натижалари аввалambор минтақамиз барча халқлари ва давлатлари манфаатлари учун хизмат қилади. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутувчи Ўзбекистон халқаро терроризм, наркотрофиклар, қуроллаяроғ ва технологияларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлиги изчил давом эттирилмоқда. Бу эса Марказий Осиё минтақасида тинчлик, осойишталик ва барқарорликнинг мустаҳкам кафолатидир.

Сурайё ТУРОБОВА,
Низомий номидаги
Тошкент Давлат педагогика
университети магистри.

Ҳар фаслнинг ўз таровати бор.

ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

Донолар ўгити

● Йигитликда йиғ илмнинг мағзини,
Қарилик чоғи харж қилгил ани.

Алишер НАВОИЙ.

● Илмда бир шуъла дилга тушган он,
Шунда билурсанким, илм бепоён.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ.

● Тарбиядаги энг катта хато — ўта шошқалоқликдир.

Жан Жак РУССО.

● Доноликдан маҳрум кўнгил ўликдир.
Аммо агар у билим билан бойитилса, бамисоли қақроқ ерга ёмғир ёққанидек жонланади.

Абул ФАРОЖ.

● Гўзаллик туйғусини сингдирмай туриб, тўлақонли, баркамол инсонни вояга етказиш мумкин эмас.

Рабиндранат ТАГОР.

● Тарбия қийин иш ва тарбия шарт-шароитларини яхшилаш — ҳар қандай кишининг ҳам муқаддас бурчларидан биридир, зеро ўзини ва теварак-атрофдагиларни маълумотли қилишдан ҳам кўра муҳимроқ иш йўқ.

СУҚРОТ.

ТАЪЛИМ

Тил билган эл билади

Ҳозирги кунда ёшларимизнинг чет элларда ўқишлари, уларнинг бир неча тилларда бурро сўзлашлари, халқаро анжуманларда чет тилида маъруза қилишлари, хорижий ўлкаларнинг нуфузли ташкилотларига аъзо бўлишлари — буларнинг барчаси оддий воқеа бўлиб қолди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтида ҳам чет тилларини ўрганишга қизиқиш тобора кучаймоқда. Институтимизнинг чет тиллар кафедраси Америка, Германия, Франция давлатлари элчихоналари билан яқиндан алоқа ўрнатган. Маълумки, тил ўрганишда мулоқот муҳим ҳисобланади. Энг аввало тил ўқитувчиларининг бир-бирлари билан ҳамда талабалар ва ўқитувчиларнинг ўзаро чет тилида мулоқот қилишлари яхши натижалар бермоқда.

Яқингинада катта танаффус пайтида институт радиоузели орқали чет тилида берилган 40 дақиқалик эшиттиришни айниқса алоҳида таъкидлаш лозим. Эшиттиришни институт ўқитувчиси, доцент М. Жамолова тайёрлади ва олиб борди. Эшиттиришда грант соҳиби бўлган талабалар билан Германия, АҚШга бориб келган ўқитувчилар М. Оганесян, А. Кузнецов, олимпиада совриндорлари бўлган талабалар инглиз, немис ва француз тилларида сўзладилар, саволларга чет тилларда жавоб қайтардилар.

— Институтимиз тарихида биринчи марта бўлган бундай эшиттириш жуда қизиқарли ва жонли ўтди. Бундан кейин шунга ўхшаш тадбирлар тез-тез ўтказиб турилса, талабаларимизнинг чет тилларни ўрганишга бўлган қизиқишлари сўзсиз янада ортади, — дейди гидромелиорация ишлари механизациялаштириш кафедрасининг мудири, доцент С. Вафоев.

Ғанижон МАҲМУДОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

Чиройли қўйилса боланинг исми...

Университетни битиргач, ўрта мактабда инглиз тилидан дарс бера бошладим. Мактаб директори дўстим эди. Болага исм қўйиш ҳақида баҳслашиб қолдик.

— Китобдан ўқиганман, кишига қўйилган исмнинг маъноси ўша кишининг характерига таъсир қилар экан, — дедим мен. — Шунинг учун болага яхши исм қўйиш керак. Масалан, гул деб исм қўйилса, гулдек мулойим, тош деб исм қўйилса, тошдек қаттиқ бўлади. Агар Раззоқ бўлса ризқли, Карим бўлса саховатли, Азиз бўлса иззатли бўлади.

Чиройли қўйилса боланинг исми,
Исмига мос бўлар албатта жисми.
Хулқ учун таъсири бўлар исмнинг,
Будир улуғларнинг одату расми.

— Э, сафсатангни қўйсанг-чи, — деди дўстим қўл силтаб. — Шундай чиройли исмли кишиларни биламанки, қилган ишларини кўриб, оғзинг ланг очилиб қолади.

Исмлар бордурки, Гул ила Тошдур,
Бири Ойдур, бири ёркин Қуёшдур.
Бироқ Гулга борсанг, тош бўлиб тегар,
Аммо Тошга борсанг, гулдан ювошдур.

Шу пайт эшик очилиб, бир қиз кириб келди ва ҳеч тап тортмасдан ўқитувчилардан бирини ёмонлаб кетди. Директор уни тўхтатмоқчи бўлар, бироқ бунинг уддасидан чиқолмас эди.

— Майли, бу ҳақда ўйлаб кўрамиз, — деди охири директор. — Бироқ ҳозир сизга бир топшириқ бор, туман маориф бўлимига бир ҳужжатни элтиб берсангиз.

— Яна менми? — деди қиз зарда билан. — Нима, мендан бошқа одам қуриб қолибдими?

Директор: «Сиз ҳаммадан ёшсиз» деб гап бошлаган эди, қиз «Йўқ, бошқалар ҳам борсин», деганича эшикни шартта ёпиб чиқиб кетди.

— Кўрдингизми? — деди дўстим менга қараб. — Бу қизнинг исми Башорат, яъни «хушхабар». У ҳар куни хушхабар ўрнига ўқитувчиларнинг айбини топиб, менга чақиб келади. Ғийбатдан оғзи бўшамайди. Уни ишга олиб, бошим қотган. Бўшатиб юборай десам, яқин дўстим Аҳмадуллаларнинг қизи. Ишқилиб, шунақа қиз келининг бўлиб қолмасин-да...

Шу пайт дарсга кириш учун қўнғироқ чалиниб қолди. Билмадим, бўлмаса дўстим яна қанча вақт шикоят қиларди. Синф томон кетар эканман, хаёлимдан мана бу тўртлик ўтарди:

Хушхабар аслида башорат бўлур,
Ёқимли ишларга ишорат бўлур.
Бироқ Башоратни орзу қилмаки,
Бир умр бағрингда шарорат* бўлур.

Келин яхши бўлса, хонада шодлик!..

Олимлар шаҳарчасига яқин қўшни маҳаллада турувчи бир танишим бор эди. Унинг саксонга кирган отаси беш йилдан буён фалаж касали билан кўрпага михланиб қолган эди. Кўргани бордик. Отахон аҳли илм бўлиб, шариат ва тариқатга оид кўп гапларни билар экан. Суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат қизиган сари, отахоннинг оғзидан чиқаётган ҳикматли гапларни эшитиб, кўнглимдан бир фикр ўтарди: «Наҳотки шундай доно ва ақлли одам шу даражада ожиз ва бечора бўлиб ётса!»

Жонларни зардобга тўлдирар иллат,
Кўзларни шўр обга тўлдирар иллат.
Иллат бари ёмон, айтгин-чи, қачон,
Дилларни офтобга тўлдирар иллат?

Отахон ўғлига юзланиб:

— Ўғлим, Маҳмуджонга яхши қара, шаҳарда у мусофир, ҳолидан хабар олиб тур, уни ташлаб қўйма! — деб қаттиқ уқтирди.

Сўзлари ҳикматга тўла бундай бамаъни инсонни мен ҳаётда кам кўрганман. Уйга келиб, отахон ҳақида узоқ ўйлаб қолдим ва отахонга шифо ато қилишни сўрадим ва бемор кишиларни ҳар доим бориб кўришга аҳд қилдим. Зеро Расулуллоҳ муборак ҳадисларида: «Оид ул-маризи йамши фи махрафати-л-жаннати» (Касал кўргани борувчи жаннат боғида юргандекдир) деб марҳамат қилганлар. Шундан сўнг қўлимга қалам олган эдим, таъбимдан мана бу маснавий туғилди:

Эй буюк, қудратли Султони Олам,
Сенгадир тилагим, фарёду нолам.
Бизни иллатларга дучор қилмагин,
Касаллик остида ночор қилмагин.
Бутун айлагайсан бизнинг қулчамиз,
Саломат қилгайсан етти муччамиз.
Дунёда касаллик қандай оғир дард,
Тоқат қила олмас унга ҳеч бир мард.
Меҳрингдан бизларга ато бер, Аллоҳ,
Барча беморларга шифо бер, Аллоҳ.
Бизлардан ўтса ҳам қанчалик хато,
Раҳиймсан, меҳрингни айлагин ато.
Биламиз, касаллик каффорат эрур,
Гуноҳлар бағрига бир ғорат эрур.
Лекин азобини тортмоқлик ёмон,
Илоҳим, дардларга ўзинг бўл дармон.
Ибодат бахтидан жудо қилмагин,
Ночорлик тахтида гадо қилмагин.
Илоҳим, дунёда ким бўлса бемор,
Меҳрини кўнглимга айлагайсан ёр.
Ҳиммат ато қилгин ҳолин сўрмоққа,
Ёнида юпанчи бўлиб турмоққа.
Расулнинг ҳадисин дилимга жо қил,
Унинг амалини ўзинг бажо қил.
Бемор бўлса ҳамки, ночору хароб,
Қилган дуолари эрур мустажоб.
Бемор ётар, бироқ қолмас гуноҳи,
Уни ёлғиз дема, Аллоҳ паноҳи.
Бекорга ўтмайди маҳ ила соли,
Гуноҳи тўкилур япроқ мисоли.
Гуноҳсиз одамдан тиласанг дуо,
Юзага чиқмасми ахир муддао.
Муҳиббий, беморлар олдига чопгин,
Жонига дармон бўл, дуосин топгин.
Расул ҳадисига амал қил, амал,
Амалдан ишларинг бўлур мукаммал.

Бемор олдида мени янада ҳайратга солган нарса келини бўлди. Отахоннинг ўғли ишга, болалари ўқишга кетар, уйда фақат қирқ ёшлардаги келини қолар экан. Келин отахонни овқатлантирар, либосларини ювар, чойшабларини янгилар, керак пайтда ҳожат учун идиш тутар экан.

— Келинимиз барака топсин, — деди танишим кўзи ёшланиб. — Укам ҳам омон бўлсин. Бизлар олиб кетиб қарайлик десак, укам рози бўлмайди. Келинимиз отамизни ўз боласидек оқ ювиб, оқ тараб келмоқда.

Келин бизнинг ҳузуримизда ҳам отахонга ширин сўзларни айтиб, кўрпа-тўшакларини тузатиб чиқиб кетди. Келиннинг бир неча қизлари ва битта ўғли бор экан. Расулуллоҳ, учта қиз тарбиялаган аёлнинг жойи жаннатда бўлади, деган эканлар. Мен келин ҳақидаги бу илиқ гапларни эшитар эканман, ҳақиқатан ҳам, жаннати аёл шу келин бўлса керак-да, деб хаёлимдан ўтказдим.

Келин яхши бўлса, хонада шодлик,
Обу овқатингда донада шодлик.
Ота кўнгли тинчу қалби хотиржам,
Боши кўкка етган онада шодлик.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

* Шарорат — гина, адоват, исён, бузғунчилик.

Ўша куни кечки пайт унинг уйидан қайтардим. Рўпарадан келаётган ўрта ёшли киши тўхтаб:

— Биродар, табиб Шовоҳид Шомаҳмудов яшайдиган хонадонни эслай олмай турибман. Мабодо сиз танимайсизми у кишини? — деб сўраб қолди.

— Мен у кишининг энг яқин дўстлари бўламан, хўш, хизмат?

— Тўғри Андижондан келаяпман. Дардимга шу инсоннинг шифобахш дори-дармонидан даво топгандекман. Шу боис у кишини яна бир кўриб кетай деб келаётган эдим. Мўлжалдан янглишдим шекилли, уйларини тополмай турибман.

Нима деб жавоб беришни билмайман. Кейин гапни узоқдан бошлаб, охири муддаога кўчдим. Ўзбекистон халқ табобати академиясининг аъзоси, халқ табиби Шовоҳид Шомаҳмудов бугун орамизда йўқлигини ётиғи билан унга айтдим.

Меҳмон узоқ жим қолди. Юзига фотиҳа тортди.

— Ёпирай, нима бўлди ўзи?

Мана шу савол анчадан бери дилимга тугиб қўйган ушбу хотирани ёзишга яна бир туртки бўлди. Шунда ҳам нимадан бошласам экан, деб узоқ ўйландим. Ҳар гал қўлимга қалам олганда, хўш, бу инсоннинг қайси хислати-ю қайси фазилати ҳақида сўз юритсам маъқул бўлади, деган ўй қийнарди мени. Ниҳоят ўйлай-ўйлай, ҳаётда унинг ўзи севиб, тез-тез такрорлаб турадиган бир ҳикоятини келтиришдан бошлашни маъқул кўрдим...

Саховатли ва мурувватли уй эгалари яшайдиган хонадонга нуроний чол ташриф буюрибди. Кутилмаган меҳмонни хонадон соҳиби тавозе билан қаршилабди.

— Ассалому алайкум, қани ичкарига марҳамат, отахон.

— Ваалайкум ассалом, кўп яшанг, бўтам. Меҳмондорчилик бўлса қочмас, мен остонангизга бир юмуш билан келиб эрдим.

— Буюринг, тақсир. Қўлимиздан келса бажонидил адо этишга тайёрмиз.

— Биламан, сиз саховатли, мурувватли инсонсиз. Етим-есир, бева-бечораларнинг бошини силаб доимо уларга ғамхўрлик кўрсатиб келасиз. Тегирмон навбати билан. Бу сафар мен сизга омад бағишлагани келдим. Нимаки истак ва тилагингиз бўлса, айтинг, муҳайё қилай.

— Илтифот ва марҳаматингиз учун ташаккур, отахон. Оиламиз ўзига тўқ, эгнимиз бут. Агар иложини топсангиз шу ҳимматингизни ночор қўшниларимизга кўрсатинг.

— Кўп яхши, — дебди нуроний киши. — Балки сизга керак бўлмаган омад оилангизга, ўғил-қизларингизга керакдир. Малол келмаса, уларнинг олдидан ҳам бирма-бир ўтиб, сўнг жавобини менга етказсангиз.

Отахоннинг талаби бажо келтирилибди. Уй эгаси оила аъзоларига унинг истагини етказиб-



ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР...

Сиз табиат шайдоси эдингиз

ди. Улар бир овоздан:

— Ўша ҳотамтой кишига раҳмат айтинг. Бу илтифотли инсон омадни ночорларга тақдим этиб, бизга оқибатни қолдириб кетсалар бас, — дейишибди.

Ўшандан бери одамлар ўртасида «Омад кетса кетсин, лекин орадан оқибат кўтарилмасин», деган пурҳикмат сўз пайдо бўлган экан.

Шовоҳид ака, сиз умр бўйи мана шу ҳикоятга амал қилиб яшадингиз. Ўзгаларга ҳамиша омад тилаб, ўзингизга фақат оқибатни олиб қолдингиз. Шундай бўлмаса, бутун табиблик фаолиятингизни беморларга бепул хизмат қилишга бағишлармидингиз? Агар шундай бўлмаса, йил бўйи дала ва шаҳар ҳовлингизда етиштирилган шифобахш гиёҳларни бирма-бир териб, мисқоллаб тўплаб улардан тайёрланган турли хасталикларга даво дори-дармонларни остонангизга шифо истаб келган инсонларга беминнат улашиб ўтирармидингиз. Сиз билан шунча йил юриб, ҳамсуҳбат бўлиб, ақалли ўз сармоянгизга сотиб олган шифобахш неъматлардан ҳосил бўлган дориларга муҳтожлардан ҳам сариқ чақа олганингизни кўрмабман-а. «Нега шундай қиласиз?» деган саволимга сиз: «Мен бор бўла туриб, беморнинг аҳволини била туриб, ночор хасталардан хизмат пули талаб қилсам, инсофдан бўлмас», дер эдингиз.

Ҳа, сиз мард ва танти инсон эдингиз. Балки бу гаплар фақат бойлик орттириш йўлида табиблик номи билан иш кўраётган баъзи қаллобларга кулгили кўринар. Лекин бор ҳақиқатдан ким тонибдики, биз тонсак. Бунга Тангри Таоло гувоҳ, сиздан шифо топган юзлаб беморлар гувоҳ.

Боболар демишлар:
қилдан нозигу
Тошдан ҳам қаттиқдир
инсонда кўнгил.
Қисқа умр ўтиб кетар у,
аммо —
Гоҳида бир қалбни забт
этмоқ мушкул.

Сиз хаста, ночор беморларнинг кўнглини забт этган табиб эдингиз. Умр бўйи минглаб қалбларни ўзингизга ром этган эдингиз. Дўстлик оқибатини, одамлар хизматини, бемор қадр-қимматини ўз жойига қўярдингиз. Сиз билан бўлган киши зерикмасди, суҳбати жон инсон эдингиз.

Сиз ҳаётга шошиб келиб, шошиб кетдингиз. Умрингиз шошқичлик билан ўтди. Баъзан бу ҳақда сўз очилса: «Имиллаган одамни ёқтирмайман. Юрагим тошиб кетади», дердингиз. Қўлингиздан келса узоқ йўлни ҳам қисқа қилиш истагида бўлардингиз. Уни тезроқ босиб ўтишга ҳаракат қилардингиз.

— Машинани секинроқ ҳайданг, — дердим мен тезликни ўта оширганингиздан хавфсираб. Сиз «Хўп», дердингизу, билганингиздан қолмасдингиз. Тошкентдан Ғазалкентдаги дала ҳовлингизга етгунча бу сўроқ-жавоблар неча бор такрорланарди, билмайман.

Яхши қўшиқ, куй жону дилингиз эди. Билмадим, ўзингизми ёки бирор шоир ёзганми мана бу тўрт қатор байт тилингиздан тушмасди.

Бу оламга кўнгил қўйиб
севолмаган зот,
Нур сачраган уфқларни сева
оларми?
Таъми билан ёқармикан
унга бу ҳаёт,
Оҳангларни, қўшиқларни
сева оларми?

Сизнинг вафотингиздан кейин Ғазалкент томон бормай қўйдим. Очиғи, сиз билан юрган йўлларни эслаш оғир эди. Ўтган йили тақдир тақозоси билан ўша томон борадиган бўлдиму, хаёлимда сиз яна жонландингиз.

Йўлда кетаяпман. Нигоҳим таниш манзараларда. Тўхтаб соясалқинида суҳбат қурадиган манзилларимиз — ўша мажнунтол, ўша бақатерак олдида бир зум тўхтайман. Негадир улар ҳам ғамгин кўринишда, баргларини тўкиб мунғайиб турибди.

Ғазалкентдан ўтаётиб беихтиёр сизнинг қадрдон дала ҳовлингиз томон бурилдим. Шу тобда мен учун бир умрга унутилмас бўлиб қолган ўша хонадонни ташқи томонидан бўлса ҳам бир зиёрат қилиш истаги туғилди. Мана ўша ўнқир-чўнқир йўллар. Безовта юрак. Худди назаримда ҳар бир бурчакдан сиз чиқиб келаётгандексиз.

Ўша эшик, ўша қулф, унинг орқасида ўша ҳовли. Худди эгасини йўқотгандек жимжит мотамсаро. Кўзимга ёш келди. Мени кўриб қўшнилар чиқишди, эшик тагида ўтириб, Қуръон тиловат қилдик.

— Нега келмай кетдингиз? Ахир Шовоҳид ака орқали сиз билан қадрдон бўлиб қолган эдик-ку? — дейишди улар.

Нима деб жавоб беришни билмайман. Хуллас, улар билан суҳбатимиз хира бўлди. Ҳар галгидек очилиб-сочилиб гаплаша олмадик.

Ғазалкентга бурилишда бир нафас тўхтаб қимиз ичгим келди. Таниш сотувчи онахон мени таниб қуюқ сўрашди, кейин косага қимиз қуя туриб сўраб қолди:

— Шеригингиз кўринмайди? Бугун якқасиз ўзингиз?

— Сўраманг, онажон.

— Нечук, гапиринг ўғлим, бирон кор-ҳол бўлдими?

— У киши бандаликни бажо келтирдилар, — дедим ётиғи билан.

Шум хабардан бечора гангиб қолди. Қўлидаги қимиз тўла чинни ерга тушиб чил-чил синди.

— Ё тавба, шундай одам-а? Қачон?

Мен айтаяпман, у кўзидан шашқатор ёш тўкиб тинглаяпти. Ҳа, яхшилар хотираси ҳамиша эслангани сайин улар суҳбатидан бахраманд бўлган инсон борки, дилдан куюнаркан-да.

Сиз табиат шайдоси эдингиз. Бир зум ўсимлик турини кўпайтириш ва уларнинг мажозий томонларини ўрганишдан чарчамасдингиз. Уйингиз рўпарасидаги чиқинди тўпланган жойда боғ яратишни кўпдан бери орзу қилардингиз. Бир куни сизни истаб борсам, ўша жойда қурилиш бошлаб юборибсиз.

— Савоб учун шу ерни обод қилмоқчиман, одамлар не-не иншоотларни бунёд этиб, халқ хизматига топшириб қўйганда мендан авлодларга, ўғилларга битта боғ эсдалик бўлиб қолса қолибди-да, — дедингиз.

— Аввало, яхши ниятда яратаётган боғингиз ўзингизга буюрсин, кейин авлодлар ҳақида ўйларсиз, — дедим қулиб.

— Ҳа, энди умр оқар дарё, ёшимиз ўтиб боряпти, — дедингиз ўйчан ҳолатда.

— Нима, қариликни ҳозирдан бўйинигизга олдингизми? — дедим қитмирлик қилиб.

— Йўқ, жуда унчалик эмас.

Хуллас, икки ой тинимсиз меҳнат қилиб ростмана боғ бунёд этдингиз. Шошилганингизча бор экан. Афсуски, меҳнатларингизнинг роҳатини кўриб, боғда узоқ яйрабяшнаш насиб этмади сизга.

Ўйлаб турсам, кўнгли оқ, покиза инсонларнинг умр поёни ҳам оқлик, покизалик билан тугаркан-да. Нақадар аламли бўлмасин, лекин сизни ўз қаърига тортган сув ҳам поклик белгиси эканлиги кўнгилларимизга бироз бўлса-да, таскин беради.

Кўзин юмди, ундан хотира
Фарзандига маржон ёш
қолди.
Кўзин юмди, қабри устида
Совуққина мармар тош
қолди.

Хотира ёзуви ниҳоясида негадир мана шу байт беихтиёр ёдимга келди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Пойтахтимизга ярашиқли бинолар.

ТАВСИЯЛАРИМИЗ

Доимо соғ бўлинг

● **Ўрик шарбати:** 10-15 дона туршакни яхшилаб чайиб, 5-6 дақиқа қайнатиб олинади, сўнг эса шарбатни ўраб дамлаб қўйилади. Бу шарбат юрак оғриғи, юрак ўйнаши ва безовталанишининг олдини олади. Ўрик шарбатини наҳорга ҳар куни ичиш тавсия этилади.

* * *

● **Лимон шарбати:** лимонни эзиб сувини чиқариб лимон сувига озгина шакар солиб сўнг уни ичасиз. Лимон шарбати қон босимини нормал ушлашга жуда катта фойда беради. Лимон шарбатининг меъёрини унутманг.

* * *

● **Наъматак шарбати:** 40-50 грамм қуруқ наъматак мевасини чайиб, қайнаган сувга солиб, 1-2 соат давомида дамланади. Ушбу шарбат жигар оғриғига яхши даво ҳисобланади. Шарбатни ҳар куни уч маҳал ичиш тавсия этилади.

Доимо соғ бўлинг!

Маъфура СОДИҚОВА

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ўз мижозларига энг қулай шароитлар яратиш мақсадида

«АСАКА» БАНКИНИНГ

Автотранспорт филиали

2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини такроран 30 % дан 50 % гача камайтирганлигини эълон қилади.

«Асака» банкининг Автотранспорт филиали Ўзбекистон молия бозорида 1997 йилдан бери фаолият юритиб, жисмоний ва юридик шахсларга миллий ва чет эл валютасида барча банк хизматларини кўрсатмоқда.

«Асака» банки Сизни ўзаро ҳамкорликка чорлайди!

Маълумот учун телефонлар:
120-81-97, 120-81-98, 120-81-37, 120-81-99
Манзилимиз: 700031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 14-уй.

«Тошиссиққуввати»

ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳар аҳолисига шуни билдирадики, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йил 1 февралдаги 46-сонли қарорига мувофиқ 2002 йилнинг февралидан бошлаб аҳолига иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш учун қуйидаги тарифлар белгиланади:

1. Марказлаштирилган иссиқлик хизматлари учун:
— ҳар ойда уй-жой майдонининг 1 квадрат метр майдони учун — 18 сўм
2. Иссиқлик сув таъминоти хизматлари учун:
— ҳар ойда 1 киши учун — 500 сўм
— ҳисоблаш анжомлари ўрнатилган хонадонлардан ҳисоблаш анжомларининг кўрсатишига мувофиқ 1 куб метр учун — 111 сўм

Аҳоли учун янги тарифлар 2002 йил 18 февралдан амалда жорий этилади.

«Тошкент оқшоми»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

«Муштум» журнал жамоаси журналнинг масъул котиби Олимжон Ҳакимовга укаси

Комилжон ИБРОҲИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Буажиб дунё

Эркаклар бола...кўрганми?

Ҳинд олимлари дунё аҳлини лол қолдирадиган янгиликни эълон қилишди. Профессор Ж.Пурани қадимги қўлёзмаларни ўқиб, бундан бир неча минг йиллар илгари эркаклар аёллар каби бола кўришганини аниқлади. Қўлёзмаларда ҳатто туғиш жараёни ҳам батафсил ёзилган, яъни «ксерия» усули билан. Бундан ташқари, профессорнинг таъкидлашича, қадимгилар ҳозирги кунда «ихтиро» деб ҳисобланаётган жинсни ўзгартириш операциясини бемалол уддалашган экан.

Арақ ичган...айиқлар

Веткага келган германиялик икки меҳмон бу ерда айиқ овлайман деб икки ҳафта бекорга овора бўлишди.

Маълум бўлишича, бу меҳмон овчилар қордаги айиқ изларини кўриб қолиб, уларни излашга тушадилар. Уларнинг бу ишлари натижа бермагач, бошқача усулни қўллашмоқчи бўлишди. Улар маҳаллий овчилардан бир челак асал сотиб олиб айиқларнинг кўзи тушадиган жойга қўйишиб, ўзлари бутоқлар орасига яшириниб маймоқ оёқларни кун бўйи кутишди. Тун ярмида совқотган меҳмонлар ўрмондаги овчининг уйига кириб жон сақлашди. Эрта билан ташқарига чиқиб қарашса челакдаги асал яримлаган эди. Аламда қолган овчилар уларнинг бу усули ҳам фойда бермаганлиги туфайли ўзгача чора қўллашди, яъни челакдаги асалнинг устига тўлдириб ароқ қуйишди. Овчиларнинг фикрича, бундай меҳмондорчилик натижаси оларок айиқлар шу ернинг ўзида думалаб қолишлари лозим эди. Аммо ундай бўлмади. Жониворлар челакдаги ароқдан озгина татиб кўришгач, бу бадхўр нарса уларга ёқмаган шекилли, совуқдан қўрқиб овчининг уйчасида тонг оттирган меҳмон овчиларни яна доғда қолдириб орқаларига қайтиб кетишган.

Кечиккан севги мактуби

Италиянинг баҳаво ҳордиқ масканларидан бирида дам олган икки ёш — Лука билан Анна бир-бирларини севиб қолдилар. Тез орада Италия киборларидан бирининг ўғли бўлган Лука уйга қайтадиган бўлди. Анна мақсадини кейинчалик Лукага хат орқали ёзиб юборишини айтди. Анна уйига келгач, ота-оналарининг розилигини олди ва Лукага турмушга чиқишга рози эканлигини билдириб, хат ёзди. Аммо Лукага ёзилган хат... ўн бир йилда етиб келди. Аннани кутаверіб сиқилиб юрган Лука хатни олиши билан Аннага қўнғироқ қилди. Аммо у кечикканди. Анна бу пайтда икки фарзанд онаси ва бадавлат оила бекаси эди.

Узоқ яшаш сирлари

«Одам организмидаги энергия қанча тез сарфланса, организм шунча тез кексайиб боради». Бу Германиядаги инсон организмининг кексайиши муаммоларини ўрганувчи илмий-тадқиқот лабораториясининг раҳбари, профессор Роланд Принцингернинг фикри. Олимнинг ахборотига кўра, инсоннинг еб-ичишию ётишturиши, қисқаси бутун фаолияти унинг умри узун бўлишига албатта, таъсир этади.

68 ёшли... талаба

68 ёшли тундралик пенсионер Е.П.Баскасова Москва Давлат университетининг талабаси сифатида қишки сессия имтиҳонларини топширди.

Елена Прокофьевна Ёкутистоннинг Бестло деган қишлоғида истиқомат қилади. У дастлаб бир неча йил бу ердаги комсомол ташкилотларида, сўнгра болалар боғчасига мудирлик қилди. Нафақага чиққач эса фахрийлар кенгашини бошқарди. Елена Прокофьевнанинг яқинда университетга киргани-гини эшитган ҳамкишлоқлари ҳайратга тушишди. У ҳозир МДУ психология факультетининг талабаси.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-112. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 13.00 1 2 3 4 5 6